

«Аҳбош»лар ким?

20:48 / 25.04.2016 3854

САВОЛ: Аллоҳ илмингизга янада барака берсин. Биз Украинада савдо билан шуғулланамиз, у ерда «Аҳбош» деган фирқа бор. Улар бозорларга кириб, ўзбекларни ўзини йўлига даъват қиляпти. Бизни, яъни баъзи намозхонларни ваҳабистлар деб, фитна тарқатяпдилар. Сизни «Ҳадис ва Ҳаёт» китобингизни қўлларига олиб, баъзи ерларини тагига чизиб, «бу ерини хато ёзган» дейишяпти. Уларни гапини эшитсак, Ўзбекистондаги барча имомларни кофирга чиқаришяпти. Чунки, улар Аллоҳга сифат беришади дейишяпти. Бизларга «бошқатдан иймон келтиринглар, чунки, сизлар Исломдан чиқдинглар» дейишяпти. Орада жанжаллар ҳам бўлиб, бозордан ҳайдадик. Лекин, эртасига яна келишди. Улар билан қандай муомалада бўлайлик. Органга айтилик десак уларни устози Украина муфтиси экан. Илтимос, биз насиҳатингизга муҳтожмиз. Жавобингиз учун олдиндан катта раҳмат.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Азизлар, ақийда масаласи жуда ҳам нозик масала. Сиртдан арзимаган бўлиб кўринган баъзи нарсалар туфайли инсон мусулмонлик доирасидан чиқиб қолиши ҳеч гап эмас. Баъзи биродарлар, у ҳам Худога ишонар экан, бу ҳам Худога ишонар экан, демак ҳаммаси ҳам бир-да, дейдилар. Йўқ, Худога ишониш ҳар хил бўлади. Бунинг фарқига бориш зарур. Бошқа дин ва мазҳаблардан кишиларимиз эҳтиёт бўлишларига умидимиз бор. Аммо, баъзи тоифалар борки, уларни ҳатто диний илми бор кишиларнинг ўзлари ҳам фарқига боришда қийналиб қоладилар. Чунки улар янги чиққан тоифалар бўлиб, кўпчилик бу ҳақда ҳеч қандай маълумотга эга эмас. Мазкур тоифаларнинг аъзолари эса ўзларини яшириб, аҳли сунна вал жамоа мусулмонларидан қилиб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Ҳозир собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида, жумладан, Ўрта Осиёда шундай тоифалардан иккитаси фаолият кўрсатмоқда.

Улардан бирини кўпчилик «Аҳбош» деб атайди. Бу тоифа янги чиққан тоифалардан бўлиб, маркази Ливанда. Улар баъзи ақийда ва фикҳий масалаларда нотўғри йўлга кирганликлари ҳақида уламолар айтганлар. Уларнинг собиқ иттифоқдаги раҳбарлардан бири Аҳмад Тамим номли шахс Украинада Ислом маркази очган, кейин муфтий бўлган. Унинг ким эканлиги

маълум бўлгандан сўнг, ихтилофлар ҳам чиққан. «Ахбош» тоифасига Абдуллоҳ ал-Ҳарарий Ҳабаший бошчилик қиларди. Тоифанинг мафкураси ва иш юритиш услубини шу шахс белгиларди. У Ливанда ўлди.

Бу тоифага яқин келманглар. Уларни қаерда кўрсангиз қувиб, ҳайданглар.